


Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги томонидан
2017 йил 5 июлда 6530-сон билан
қайта давлат рўйхатиға олинган



Ўзбекистон “Камолот” ёшлар
ижтимоий ҳаракатининг
2017 йил 30 июндаги
IV Курултойи баёни қарори билан
тасдиқланган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИНИНГ УСТАВИ

Тошкент – 2017 й.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИНИНГ УСТАВИ

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (кейинги ўринларда – Иттифоқ деб юритилади) жисмонан соғлом, маънан етук ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган ёш авлодни шакллантириш, ёшларни ташқи таҳдидлар ва “оммавий маданият”нинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш, ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама кўмаклашиш ва шарт-шароитларни яратиш мақсадида жисмоний шахслар томонидан иттифоқ ташкилий-ҳуқуқий шаклида тузилган, Ўзбекистон ёшларини бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотидир.

Иттифоқ муқаддам Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати номи билан 2012 йил 1 июнь куни қайта рўйхатдан ўтказилган ва унга 653п-сонли гувоҳнома берилган.

Иттифоқ Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг барча ҳуқуқ ва мажбурияти бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

1.2. Иттифоқ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мазкур Уставга мувофиқ юритади.

1.3. Иттифоқ ўз фаолиятини ихтиёрийлик, қонунийлик, ошкоралик, аъзолар (иштирокчилар)нинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўзини ўзи бошқариш тамойиллари асосида амалга оширади.

1.4. Иттифоқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади ва унда мол-мулкка эга бўлиш ҳуқуқи мавжуд бўлиб, ўз мажбуриятлари бўйича ана шу мол-мулк билан жавоб беради, ўз номидан мулкка оид ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ва амалга ошириши, мажбуриятларни ўз зиммасига олиши, судда даъвогар ёки жавобгар бўла олиши мумкин. Иттифоқ давлат тилида ўзининг тўлиқ расмий номи туширилган юмалоқ муҳр, штамп, бланklar ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтган ўз рамзига эга бўлади.

1.5. Иттифоқ аъзолари Иттифоқ мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, ўз навбатида Иттифоқ ҳам ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

1.6. Иттифоқ қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс мақомига эга бўлган, мазкур Устав ва ҳудудий таркибий тузилмалар тўғрисидаги Низомга асосан фаолият юритувчи алоҳида бўлинмаларни, яъни Иттифоқнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаларини (кейинги ўринларда

худудий кенгашларни) ҳамда Иттифоқнинг шаҳар ва туман маҳаллий бўлинмаларини (кейинги ўринларда маҳаллий кенгашларни) ташкил этиш ҳуқуқига эга.

1.7. Иттифоқнинг доимий фаолият кўрсатувчи раҳбар органи жойлашган жой (почта манзили): Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 11-уй.

1.8. Иттифоқ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади.

1.9. Иттифоқнинг тўлиқ номи:

давлат тилида кирилл ёзувида – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи;

давлат тилида лотин ёзувида – O`zbekiston yoshlar ittifoqi;

рус тилида – Союз молодежи Узбекистана;

инглиз тилида – Youth union of Uzbekistan.

II БОБ. ИТТИФОҚНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Иттифоқнинг асосий мақсади ёшларни мамлакатда амалга оширилаётган демократик, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига кириши жараёнларига жалб қилиш ҳамда ёш авлоднинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш, йигит-қизларнинг маънавий ва касбий савиясини юксалтириш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашишдан иборат.

2.2. Иттифоқнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– баркамол, мустақил фикрлайдиган, ўзининг ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқодига эга, жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаш, мамлакатни ислоҳ қилиш, янгилаш жараёнларида ҳал қилувчи куч ва таянч бўлишга қодир ёшларни шакллантириш, уларнинг сиёсий маданияти, ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий онгини юксалтириш;

– ёшларни, хусусан уюшмаган ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда тарихий хотира, миллий ғурур ва ўзликни англаш, рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини шакллантириш;

– ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг замонавий касбларни эгаллашга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш;

– истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда илмий фаолиятга жалб қилиш;

– ёшлар, хусусан уюшмаган ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи, экологик маданиятни шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб қилиш;

– ёшларни, хусусан уюшмаган ёшларни диний-экстремистик ва бошқа бузғунчи ғоялар ташкилотлар таъсиридан, четдан “оммавий маданият” ниқоби

остида кириб келаётган салбий таъсир ва таҳдидлардан асраш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни профилактика қилиш ва олдини олишга кўмаклашиш ва бошқалар.

2.3. Юқорида санаб ўтилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Иттифоқ ўз фаолиятининг турли йўналишлари бўйича тегишли чора-тадбирлар Дастурини қабул қилиши мумкин.

III БОБ. ИТТИФОҚНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Иттифоқнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

– жамият ҳаётининг турли масалалари бўйича ташаббус кўрсатиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига таклифлар киритиш;

– давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонунчиликда ўрнатилган тартибда иштирок этиш;

– ўз фаолиятига доир маълумотларни тарқатиш;

– белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш, ноширлик ва матбаа фаолиятлари билан шуғулланиш;

– Уставда кўрсатилган вазифаларни бажариш мақсадида нодавлат ноижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа турдаги юридик шахсларни ташкил қилиш;

– ўз рамзий белгилари ва кўкрак нишонини таъсис этиш;

– ўз фаолияти масалалари бўйича йиғилишлар, мажлислар, тадбирлар, анжуманлар, семинарлар ва давра суҳбатларини ўтказиш;

– қонун ҳужжатларига биноан республика ҳудудида ўзининг ҳудудий тузилмаларини очиш.

Иттифоқ қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.2. Иттифоқнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

– қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилиш;

– ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар очиқлигини таъминлаш;

– нодавлат ноижорат ташкилотини рўйхатга олувчи органга ўзи ўтказаётган тадбирларда қатнашиш имконини бериш;

– рўйхатга олувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган тартибда тақдим этиш.

Иттифоқ зиммасида қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

IV БОБ. ИТТИФОҚҚА АЪЗОЛИК

4.1. Иттифоққа юридик ва жисмоний шахслар ушбу Уставда белгиланган тартибда аъзо бўлиши мумкин.

Юридик ва жисмоний шахслар Иттифоққа аъзоликка қабул қилиниши учун тегишли мазмундаги аризани тақдим этадилар.

4.2. Иттифоқнинг мақсадини қўллаб-қувватлаш истагини билдирган, 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида мунтазам яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган жисмоний шахслар Иттифоқнинг аъзоси бўлиши мумкин.

4.3. Иттифоқнинг жисмоний шахс бўлган аъзоси Иттифоқнинг раҳбар органларига сайланган тақдирда унга нисбатан ушбу Уставнинг 4.2.-бандида кўзда тутилган ёшга оид чеклов қўлланилмайди.

4.4. Жисмоний шахсларни Иттифоққа аъзоликка қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш Иттифоқ бошланғич ташкилотининг Умумий йиғилиши томонидан, шунингдек бошланғич ташкилот Кенгашининг йиғилиши (бошланғич ташкилотда Кенгаш шакллантирилган тақдирда) томонидан амалга оширилади.

4.5. Жисмоний шахсларни Бошланғич ташкилот тегишли раҳбар органининг аъзоликка қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш тўғрисидаги қарори якуний ҳисобланади ва Иттифоқнинг юқори органлари томонидан тасдиқланиши талаб қилинмайди.

4.6. Жисмоний шахсларнинг Иттифоққа аъзолиги қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- Иттифоқ аъзоси аризасига кўра;
- Иттифоқ аъзосининг ёши 30 ёшдан ошгач (Иттифоқнинг раҳбар органларига сайланган шахслар бундан истисно);
- Иттифоқ аъзоси томонидан ушбу Уставга зид бўлган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилганда;
- Иттифоқ аъзоси бошқа чет давлатининг фуқаролигини олган бўлса;
- Иттифоқ аъзоси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда ёки вафот этганда;
- Иттифоқнинг фаолияти тугатилганда.

4.7. Ёшлар соҳасидаги нодавлат ноижорат ташкилотлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, марказлар, клублар ҳамда таъсис ҳужжатлари Иттифоқнинг Устав мақсадлари, вазифалари ва дастурий ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа юридик шахслар Иттифоққа аъзо бўлиши мумкин.

4.8. Юридик шахсларни Иттифоқ аъзолигига қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш Иттифоқ Марказий Кенгаш Ижроия қўмитасининг қарори асосида амалга оширилади.

4.9. Юридик шахсларни Иттифоққа аъзолиги қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- Иттифоқ аъзоси аризасига кўра;
- Иттифоқ аъзоси томонидан ушбу Уставга зид бўлган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилганда;
- юридик шахс ўз фаолиятини тугатганда;
- Иттифоқнинг фаолияти тугатилганда.

4.10. Иттифоқ аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– умумий йиғилишлар, конференциялар, Курултой, Иттифоқнинг раҳбар органлари йиғилишлари ва Иттифоқнинг босма даврий нашрларида масалаларни муҳокама қилиш чоғида ўз фикрини эркин ифода этиш;

– шахсан ёки ўз вакили орқали Иттифоқнинг сайланадиган органлари қарорларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

– Иттифоқнинг сайланадиган раҳбар органлари ва назорат-тафтиш органларига сайлаш ва сайланиш;

– Иттифоқ органлари фаолияти тўғрисида маълумотлар олиш, ўзларига тааллуқли бўлган масалаларни муҳокама қилишда Иттифоқ органлари фаолиятида иштирок этиш ва фикр билдириш;

– Иттифоқ фаолиятида Устав доирасида иштирок этиш, Иттифоқнинг ҳар қандай раҳбар органига ариза ва таклифлар билан мурожаат этиш.

4.11. Иттифоқ аъзоларининг асосий мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

– Иттифоқнинг Устав мақсадларини амалга оширишда қатнашиш;

– ёшлар ўртасида ва жамиятда Иттифоқнинг таъсири ва нуфузини ошириш;

– Иттифоқ раҳбар органлари, бошланғич ташкилотларнинг умумий йиғилишлари, шунингдек Кенгаши йиғилишлари қарорларини бажариш;

– Иттифоқнинг бошланғич ташкилоти фаолияти ва Иттифоқнинг барча йўналишларида фаол иштирок этиш.

V БОБ. ИТТИФОҚНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

5.1. Иттифоқнинг раҳбар органларига қуйидагилар киради:

– Курултой;

– Марказий Кенгаш;

– Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси;

– Марказий назорат-тафтиш комиссияси.

5.2. Курултой Иттифоқнинг олий раҳбар органи ҳисобланади. Марказий Кенгаш ва Марказий назорат-тафтиш комиссияси ҳисоботларини тинглаш, улар бўйича қарорлар қабул қилиш мақсадида ҳисобот Курултойи бир йилда камида бир марта, мазкур Уставда белгиланган бошқа ваколатлари юзасидан ваколатли Курултой беш йилда камида бир марта чақирилади. Курултойни чақириш тўғрисидаги қарор Марказий Кенгаш йиғилиши томонидан қабул қилинади. Курултойни чақириш тўғрисидаги қарор Марказий Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми уни ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинган деб ҳисобланади. Уни чақириш тўғрисидаги қарор ва кун тартиби Курултойдан камида икки ҳафта олдин эълон қилинади.

5.3. Курултойнинг навбатдан ташқари мажлиси Марказий Кенгаш йиғилишининг қарори, шунингдек, Марказий назорат-тафтиш комиссияси томонидан ёки Иттифоқ аъзоларининг камида ўн фоизи талабига кўра чақирилиши мумкин.

5.4. Курултой Иттифоқ фаолиятига дахлдор бўлган барча масалаларни кўриб чиқиш ва улар бўйича тегишли қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Курултой ваколатига қуйидагилар киради:

– Иттифоқнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

– Иттифоқни қайта ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

– Марказий Кенгаш ва Марказий назорат-тафтиш комиссияси ҳисоботларини тинглаш, улар бўйича қарорлар қабул қилиш;

– Марказий Кенгаш ва Марказий назорат-тафтиш комиссияси таркибини сайлаш;

– Марказий Кенгаш раиси ва Марказий назорат-тафтиш комиссияси раисини беш йил муддатга сайлаш.

Уставга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Иттифоқни қайта ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш бўйича қарорлар улар учун Курултой делегатларининг учдан икки қисми овоз берганда қабул қилинган деб ҳисобланади. Бошқа масалалар бўйича қарорлар улар учун Курултой делегатларининг кўпчилиги овоз берган тақдирда қабул қилинган деб ҳисобланади.

Курултой унинг ишида сайланган делегатларнинг учдан икки қисми қатнашган тақдирда, қарор қабул қилишга ваколатли деб ҳисобланади.

Курултой делегатлари ҳудудий Кенгашлар конференцияларида сайланади. Курултойга сайланадиган делегатларнинг вакиллик нормаси, сайлаш тартиби, Курултой кун тартиби ва унинг ўтказилиш санаси Марказий Кенгаш йиғилиши томонидан белгиланади.

5.5. Марказий Кенгаш Курултойлар оралиғида Иттифоқнинг раҳбар органи ҳисобланади ва олтмиш бир кишидан кам бўлмаган таркибда 5 йил муддатга сайланади.

5.5.1. Марказий Кенгаш таркибига эгаллаб турган лавозимларига мувофиқ Марказий Кенгаш раиси, унинг ўринбосарлари, Марказий Кенгаш аппарати молия-иқтисод, ташкилий-кадрлар бўлими мудирлари, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти директори, Иттифоқ муассислигидаги марказий газеталар бош муҳаррири, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ёшлар” телерадиоканали” акциядорлик жамияти директори ва ҳудудий кенгашларнинг раислари киради.

Марказий Кенгаш таркиби турли соҳаларда, жумладан, таълим, фан, маданият ва санъат, оммавий ахборот воситалари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик ва фермерлик, спорт, соғлиқни сақлаш ва экология соҳаларида, Қуролли кучлар, ҳуқуқ-тартибот органлари ва бошқа турли ташкилотларда банд бўлган ёшларни ўз ичига камраб олувчи ёшларнинг турли тоифалари ҳисобидан шакллантирилиши лозим. Шунингдек, Марказий Кенгаш таркибига Иттифоқнинг ҳамкор ташкилотлари вакиллари ҳамда катта тажрибага эга бўлган шахслар киритилиши мумкин.

Марказий Кенгаш таркибига ҳар бир ҳудуддан (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ёшларнинг камида икки нафар вакили киритилиши лозим.

5.5.2. Марказий Кенгаш:

– Курултой қарорларининг бажарилиши, дастурий мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиши, Иттифоқ Устави талабларига риоя этилишини таъминлайди;

– юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш учун ташкилот номидан фаолият юритади;

– Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси таркибини сайлайди ва унинг аъзолари ваколатларини муддатидан аввал тугатади;

– Марказий Кенгаш раиси, унинг ўринбосарларининг ярим йиллик ва йил якунларига доир ҳисоботларини тинглайди, улар ўртасида ишлар йўналишларини тақсимлайди, ваколатларини муддатидан олдин тугатади;

– Иттифоқ фаолиятининг устувор йўналишлари бўйича комиссияларни ва ишчи гуруҳларни тузади, вақти-вақти билан уларнинг ҳисоботларини тинглайди, якунларга таянган ҳолда тегишли қарорларни қабул қилади;

– Марказий Кенгашнинг йиллик иш режасини тасдиқлайди ҳамда унинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботни тинглайди ва ҳисобот якунларига таянган ҳолда тегишли қарорларни қабул қилади;

– Иттифоқнинг умумлаштирилган бюджетини, Марказий аппарат бюджетини тасдиқлайди ҳамда уларнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботни тинглайди ва ҳисобот якунларига таянган ҳолда тегишли қарорларни қабул қилади;

– Иттифоқ Марказий аппарати, ҳудудий ҳамда маҳаллий кенгашлар, Иттифоқ томонидан ташкил қилинган тadbиркорлик тузилмалари, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, юридик шахс мақомига эга бўлган бошланғич ташкилотларнинг ташкилий тузилмасини ва штат бирликларини тасдиқлайди, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тартибини, шаклини ва миқдорини белгилайди;

– Иттифоқнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;

– Марказий Кенгаш ваколатига кирувчи баъзи вазифаларни Ижроия қўмитаси ихтиёрига ҳавола этиш ҳақида қарорлар қабул қилади;

– Курултойлар оралиғида зиммасига юклатилган ваколат ва мажбуриятларни бажара олмаган Марказий Кенгаш раиси ва унинг ўринбосарларини лавозимдан озод қилади ва навбатдаги Курултойга қадар Марказий Кенгаш раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайди, шунингдек навбатдаги Курултойга қадар Кенгаш аъзоларини Кенгаш таркибидан чиқаради ва Кенгаш аъзолигига сайлайди.

Қонун ҳужжатлари, Устав ва Курултой қарорига кўра бошқа масалаларни ҳал қилади.

5.5.3. Марказий Кенгаш йиғилиши ҳар олти ойда камида бир марта чақирилади ва аъзоларнинг учдан икки қисми қатнашган тақдирда қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлади. Марказий Кенгаш аъзоларининг кўпчилиги овоз берган тақдирда Марказий Кенгашнинг қарорлари қабул қилинган деб ҳисобланади.

5.6. Иттифоқ фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан тезкор қарорлар қабул қилиш учун Марказий Кенгаш ўз аъзолари таркибидан камида ўн беш кишидан иборат бўлган Ижроия қўмитасини беш йил

муддатга сайлайди. Ижроия кўмитасининг таркибига эгаллаб турган лавозимига кўра Марказий Кенгаш раиси, унинг ўринбосарлари, Марказий Кенгаш аппарати молия-иқтисод бўлими мудирлари, ташкилий-кадрлар бўлими мудирлари, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти директори, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ёшлар” телерадиоканали” акциядорлик жамияти директори ва бошқалар кирилади.

5.6.1. Марказий Кенгаш Ижроия кўмитаси аъзоларининг таркиби Марказий Кенгаш қарори билан белгиланади.

5.6.2. Марказий Кенгаш Ижроия кўмитаси:

– Иттифоқнинг ҳудудий ва бошқа ташкилий бўлимлари, тадбиркорлик тузилмалари, оммавий ахборот воситалари ва унинг тўлиқ муассислигидаги ёки қошидаги бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

– Марказий Кенгаш ваколатига киритилмаган Иттифоқ ва унинг алоҳида бўлинмалари мол-мулкни тасарруф қилиш билан боғлиқ қарорлар қабул қилади;

– Иттифоқ бўлинмаларини ташкил қилиш ва тугатиш ҳамда уларнинг таъсис ҳужжатларини тасдиқлашга оид қарорлар қабул қилади;

– ташкилий масалалар юзасидан тезкор қарорлар қабул қилинишини таъминлайди, жорий иш режасини тузади, режалар ва қарорлар ижроси ўрганилишини ташкиллаштиради, ижрочилар ҳисоботларини тинглайди, яқунларга таянган ҳолда тегишли қарорларни қабул қилади;

– Иттифоқнинг Дастурида белгилаб қўйилган турли йўналишдаги ишлар бўйича лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан қарорлар қабул қилади;

– хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, делегацияларни жўнатиш ва қабул қилиш юзасидан қарорлар қабул қилади;

– Марказий Кенгаш йиғилишларини чақиради, кун тартибини белгилайди;

– Иттифоқнинг ҳудудий кенгашлари бюджетлари лойиҳаларини кўриб чиқади ва уларни тасдиқлаш учун тавсия қилади, уларнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботларни тинглайди, яқунларга таянган ҳолда тегишли қарорларни қабул қилади;

– Иттифоқнинг сайланадиган раҳбарлик органлари штатидаги аппарат ходимларини интизомий жавобгарликка тортади;

– ички меҳнат тартиб-қоидаларини, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

– Иттифоқнинг ички фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлайди;

– Иттифоқ ва унинг бўлинмалари мулкни, маблағларини тақсимлаш ва тасарруф қилиш (ушбу йўналишда Марказий Кенгаш ваколатига киритилган масалалардан ташқари) ҳамда грант, тендер ва бошқа танловларни ўтказиш, шунингдек, қўйи ташкилотлар фаолиятини текшириш юзасидан қарор қабул қилади;

– Иттифоқнинг ҳудудий ва маҳаллий кенгашлари раҳбар органлари, Ижроия қўмитасининг қонун ҳужжатлари ва Уставга зид бўлган қарорларини бекор қилади;

– Устав мақсади ва вазифаларига эришиш учун тадбиркорлик тузилмаларини таъсис этади, уларнинг фаолиятини назорат қилади ва раҳбарлари тайёрлаган ҳисоботларни тинглайди, яқунларга таянган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилади;

– Марказий Кенгаш аппаратининг ишлар бошқарувчиси, бош ҳисобчи, бўлим мудирларини, Марказий Кенгаш тадбиркорлик тузилмалари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ва бош ҳисобчиларини лавозимига тасдиқлайди ва лавозимидан озод қилади;

– юқори органларнинг қарорларига оид бошқа масалаларни ҳал этади.

5.6.3. Марказий Кенгаш раиси Ижроия қўмитасининг йиғилишларини чақиради ва ушбу йиғилишларга раислик қилади.

Марказий Кенгаш раиси ўз мажбуриятларини бажара олмаган тақдирда, Марказий Кенгаш Ижроия қўмитасининг қарорига биноан унинг вазифасини ўринбосарларидан бири бажариб туради.

5.6.4. Марказий Кенгаш раисининг вазифалари ҳамда ваколати доирасига қуйидагилар киради:

– Иттифоқ Устави ва Дастури доирасидаги умумий фаолиятни мувофиқлаштиради;

– Иттифоқ ва Марказий Кенгаш номидан ишончномасиз иш кўради, барча юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, хорижий ташкилотлар олдида Иттифоқ манфаатларини ифодалайди;

– Марказий Кенгаш, унинг Ижроия қўмитаси, Марказий Кенгаш раиси ўринбосарлари ва аппаратининг фаолиятига раҳбарлик қилади, аппарат ходимларини ишга қабул қилади ва эгаллаб турган лавозимидан озод қилади;

– шартномалар тузади, шу жумладан, меҳнат шартномаларини тузади, ишончномаларни беради, банкларда ҳисоб рақамлари ва бошқа

– ҳисобларни очади, банк, молия ва бошқа ҳужжатларга биринчи имзо ҳуқуқидан фойдаланади, барча ходимлар учун мажбурий бўлган фармойиш берувчи ҳужжатларни чиқаради;

– ўзининг айрим ваколатларини Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси қарори билан белгиланган тартибда йўналишлар бўйича Марказий Кенгаш раиси ўринбосарларига юклатади;

– Иттифоқ фаолияти доирасидаги Марказий Кенгаш ва унинг Ижроия қўмитасининг ваколатига кирмайдиган бошқа масалаларни ҳал қилади.

5.7. Марказий назорат-тафтиш комиссияси Иттифоқнинг марказий назорат қилувчи органи ҳисобланади.

5.7.1. Марказий назорат-тафтиш комиссияси Қурултой томонидан 5 йил муддатга камида ўн бир кишидан иборат таркибда сайланади ва унга ҳисобот беради.

Маҳаллий (ҳудудий) тузилмаларнинг назорат-тафтиш комиссиялари тегишли ҳисобот-сайлов конференциялари томонидан камида беш кишидан иборат таркибда сайланади ва унга ҳисобот беради.

Бунда Иттифоқнинг Марказий назорат-тафтиш комиссияси Иттифоқнинг ва унинг ҳудудий кенгашлари, тадбиркорлик тузилмалари ва Иттифоқнинг оммавий ахборот воситалари фаолиятини назорат ва тафтиш қилиш ҳуқуқига эга. Текширишлар натижаларига кўра, у ўтказилган текширув ҳақида ҳисобот тузади ва кўриб чиқиш ҳамда тегишли қарор қабул қилиш учун Марказий Кенгаш йигилишига тақдим этади.

5.7.2. Иттифоқнинг Марказий назорат-тафтиш комиссияси ваколатлари доирасига қуйидагилар киради:

- бюджет ижросини, Иттифоқ ва унинг тузилмаларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш;

- мазкур Устав қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш;

- Иттифоқ фаолиятининг молиявий, тадбиркорлик ва бошқа соҳаларида қонун ҳужжатлари бузилиш ҳолатларини олдини олиш;

- ушбу Уставга ёки Иттифоқ Қурултойи қарорларига мос бўлмаган ҳолларда Иттифоқнинг Марказий Кенгаши, қуйи сайланадиган органлари ва назорат-тафтиш комиссияларининг қарорларини тўхтатиш ҳақида тавсиялар бериш;

- Иттифоқ аъзолари мурожаатларини кўриб чиқиш;

- Иттифоқнинг молиявий-хўжалик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш;

- Қурултой қарорларига биноан бошқа ваколатларни бажариш.

5.7.3. Молиявий-хўжалик фаолияти текширилганда барча мансабдор шахслар ва штатдаги ходимлар Марказий назорат-тафтиш комиссияси талабига биноан унга зарур ҳужжатларни тақдим этади.

5.7.4. Назорат-тафтиш комиссиялари аъзолари Иттифоқнинг тегишли сайланадиган раҳбар органи аъзоси бўла олмайдилар. Иттифоқнинг тегишли сайланадиган раҳбар органлари аъзолари айти пайтда назорат-тафтиш комиссияси аъзоси бўла олмайдилар.

5.7.5. Марказий назорат-тафтиш комиссияси аъзолари Иттифоқ раҳбар органларининг барча даражадаги йиғилишларида маслаҳат овози билан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

5.7.6. Марказий назорат-тафтиш комиссияси ўз фаолиятини мазкур Устав, Қурултой қарорлари ва Марказий назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом асосида амалга оширади.

VI БОБ. ИТТИФОҚНИНГ ТУЗИЛМАСИ

6.1. Иттифоқнинг тузилмасига қуйидагилар киради:

- Иттифоқнинг Марказий аппарати;

- Иттифоқнинг ҳудудий тузилмалари;

- Иттифоқнинг маҳаллий тузилмалари;

- Иттифоқнинг бошланғич ташкилотлари;

- Иттифоқнинг тўлиқ муассислигидаги ёки қошидаги корхона, ташкилот ва муассасалар, шу жумладан оммавий ахборот воситалари.

Шунингдек, Иттифоқ ва унинг алоҳида бўлинмалари қошида тегишли равишда болалар йўналиши бўйича фаолият олиб боровчи “Камалак” шўъбалари (кейинги ўринларда “Камалак” болалар ташкилоти ва унинг бўлинмалари деб аталади) ташкил қилинади. “Камалак” болалар ташкилоти ва унинг бўлинмалари Иттифоқнинг алоҳида бўлинмаси ҳисобланмайди. Улар Иттифоқ ва унинг алоҳида бўлинмаларининг шўъбаси ҳисобланади.

Иттифоқ белгиланган тартибда ўзининг даврий нашрлари, ноширлик-матбаа корхоналари, кадрлар малакасини ошириш марказлари, тадбиркорлик тузилмаларини ҳамда ўзининг таъсис ҳужжатлари асосида фаолият юритадиган бошқа муассасаларни ташкил этиши мумкин.

6.2. Маҳаллий ва ҳудудий кенгашлар Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мувофиқ тузилади.

6.2.1. Иттифоқнинг яқка тартибдаги аъзолари иш, ўқиш ва хизмат жойларида тузилиши мумкин бўлган Иттифоқнинг бошланғич ташкилотларига бирлашадилар.

6.2.2. Иттифоқнинг бошланғич ташкилотлари камида беш нафар Иттифоқ аъзоси (хайрихоҳ ёшлар) мавжуд бўлганда, уларнинг йиғилиши қарорига кўра туман ёки шаҳар кенгашлари розилиги билан тузилади.

6.2.3. Марказий Кенгаш Ижроия кўмитаси қарори билан Иттифоқнинг бошланғич ташкилотларига юридик шахс мақоми берилиши мумкин. Мазкур масалани кўриб чиқишда биринчи навбатда унинг молиявий ва бошқа имкониятлари ҳисобга олинади.

Бошланғич ташкилотларга юридик шахс мақомини бериш тартиби алоҳида локал меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланади.

6.2.4. Иттифоқ бошланғич ташкилотининг бошланғич ташкилот миқёсидаги юқори раҳбар органи унда ҳисобда турган тегишли аъзоларнинг Умумий йиғилиши ёки Ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳисобланади.

Умумий йиғилиш тегишли бошланғич ташкилотдаги Иттифоқ аъзолари сони юз нафардан ошмаган бошланғич ташкилотларда бир йилда камида икки маротаба ўтказилади ҳамда унда бошланғич ташкилот ҳисобида турган аъзоларнинг учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши Иттифоқ аъзолари сони юз нафардан ошган бошланғич ташкилотларда бир йилда бир маротаба ўтказилиб (олий таълим муассасалари бундан мустасно), унда бошланғич ташкилот ҳисобида турган Иттифоқ аъзолари орасидан сайланган вакиллар (делегатлар) иштирок этади.

Олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилиши камида икки ярим йилда бир маротаба ўтказилади.

6.2.5. Умумий йиғилиш ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- бошланғич ташкилот умумий фаолиятига оид қарорлар қабул қилиш;
- бошланғич ташкилотнинг ярим йиллик ва йиллик умумий фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш ва баҳолаш;
- бошланғич ташкилот етакчисини икки ярим йил муддатга сайлаш;
- бошланғич ташкилотнинг йиллик иш режасини тасдиқлаш;
- жисмоний шахсларни Иттифоқ аъзолигига қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш;

– Иттифоқнинг юқори ташкилотлари белгилаган квотага асосан уларнинг конференцияларига делегатлар сайлаш;

– бошланғич ташкилот фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

6.2.6. Ҳисобот-сайлов йиғилиши ваколатлари қуйидагилардан иборат:

– бошланғич ташкилотнинг ўтган даврдаги умумий фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш ва баҳолаш;

– бошланғич ташкилот Кенгаши аъзолари ва етакчисини икки ярим йил муддатга сайлаш;

– бошланғич ташкилотнинг йиллик иш режасини тасдиқлаш;

– Иттифоқнинг юқори ташкилотлари белгилаган квотага асосан уларнинг конференцияларига делегатлар сайлаш;

– бошланғич ташкилот фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

6.2.7. Юз нафардан ортиқ аъзоси мавжуд бўлган бошланғич ташкилотда унинг Ҳисобот-сайлов йиғилиши томонидан камида етти кишидан иборат таркибда Кенгаш сайланади. Кенгаш мажлислари икки ойда камида бир марта ўтказилади.

6.2.8. Бошланғич ташкилот Кенгаши ваколатлари ва вазифалари доирасига қуйидагилар киради:

– ҳисобот-сайлов йиғилишини чақириш, унинг қарорлари ижросини таъминлаш;

– юқори ташкилотлардан келган топшириқ ва тавсияларни кўриб чиқиш ва ижросини таъминлаш;

– Кенгаш аъзолари ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш ва ҳисоботларини тинглаш;

– бошланғич ташкилотнинг қуйи тузилмаларини ташкил этиш, фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

– жисмоний шахсларни Иттифоқ аъзолигига қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш;

– бошланғич ташкилот иш режаси ва кундалик фаолиятига оид масалаларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш;

– аъзоларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир масалаларни кўриб чиқиш ҳамда муассаса раҳбарияти ва юқори ташкилотларга таклифлар билдириш;

– муайян муваффақиятларга эришган аъзолар ва сардорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш;

– бошланғич ташкилот аъзолари ўртасида кўрик-танловлар, мусобақалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш.

6.2.9. Бошланғич ташкилот фаолиятига Етакчи раҳбарлик қилиб, унинг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

– бошланғич ташкилотга раҳбарлик қилиш;

– бошланғич ташкилотдаги аъзолари орасидан йўналиш сардорлари (координаторлар)ни тайинлаш;

– таълим муассасаси (ташкилот, корхона) маъмурияти, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмаси ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролар билан ўзаро муносабатларда бошланғич ташкилот номидан иш юритиш.

6.2.10. Юридик шахс мақомига эга бошланғич ташкилотнинг етакчиси – раҳбари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- бошланғич ташкилот номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш;
- бошланғич ташкилотнинг мол-мулкани ваколати доирасида бошқариш;
- бошланғич ташкилот номидан шартномалар, шу жумладан, хўжалик шартномалари ва меҳнат шартномаларини тузиш;
- ишончномалар бериш;
- банкларда ҳисоб рақамлари ёки бошқа рақамлар очиш, барча банк, молиявий ва бошқа ҳужжатларга биринчи имзо ҳуқуқидан фойдаланиш;
- бошланғич ташкилот штатидаги барча ходимлар учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, фармойишлар қабул қилиш;
- ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва мазкур Уставга зид бўлмаган ҳаракатларни амалга ошириш.

6.3. Иттифоқ маҳаллий ва ҳудудий Кенгашининг тегишли ҳудуд миқёсидаги юқори раҳбар органи икки ярим йилда камида бир марта ўтказиладиган Конференция ҳисобланади. Конференция тегишли маҳаллий ёки ҳудудий Кенгаш йиғилиши томонидан чақирилади. Конференцияларга сайланадиган делегатларнинг вакиллик нормаси, сайлаш тартиби ва муддатлари Иттифоқнинг тегишли кенгашлари йиғилиши томонидан белгиланади.

Ҳудудий Кенгаш конференцияси қатнашчилари-делегатлари таркиби маҳаллий Кенгаш Конференцияси томонидан сайланган делегатлар ва ҳудудий Кенгаш йиғилиши томонидан аъзоликка қабул қилинган юридик шахслар вакилларидан иборат бўлади. Бунда, ҳудудий Кенгаш йиғилиши томонидан аъзоликка қабул қилинган юридик шахслар вакиллари меъёри ҳудудий Кенгаш йиғилиши томонидан белгиланади.

Маҳаллий Кенгаш конференцияси қатнашчилари-делегатлари таркиби бошланғич ташкилотнинг юқори раҳбар органи томонидан сайланган делегатлар ва маҳаллий Кенгаш йиғилиши томонидан аъзоликка қабул қилинган юридик шахслар вакилларидан иборат бўлади. Бунда, маҳаллий Кенгаш йиғилиши томонидан аъзоликка қабул қилинган юридик шахслар вакиллари меъёри маҳаллий Кенгаш йиғилиши томонидан белгиланади.

6.3.1. Маҳаллий ёки ҳудудий Кенгаш Конференцияси:

- тегишли Кенгашнинг ҳисобот даври учун ҳисоботини тинглайди ва тасдиқлайди;
- тегишли Кенгашнинг келажакдаги фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;
- тегишли Назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тинглайди ва тасдиқлайди;
- тегишли Кенгаш йиғилишининг камида йигирма бир нафар кишидан иборат ва назорат-тафтиш комиссиясининг камида беш кишидан иборат таркибларини икки ярим йил муддатга сайлайди;
- тегишли Кенгаш раиси ва унинг ўринбосарларини икки ярим йил муддатга сайлайди;
- ваколати доирасига кирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқади.

6.3.2. Иттифоқнинг ҳудудий ва маҳаллий Кенгашига Конференциялар оралигидаги даврга сайланадиган тегишли Кенгаш йиғилиши раҳбарлик қилади.

Кенгашнинг йиғилишлари олти ойда камида бир марта ўтказилиб, тегишли Кенгаш раиси томонидан чақирилади.

6.3.3. Иттифоқнинг маҳаллий ёки ҳудудий кенгашлари йиғилишининг ваколатлари ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

– юқори турувчи органлар томонидан берилган топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан қарорлар қабул қилиш;

– тегишли Кенгаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва ишини ташкил этиш мақсадида ўз аъзолари таркибидан комиссиялар ва ишчи гуруҳлар тузиш, ўз аъзолари ўртасида фаолият йўналишларини тақсимлаш, уларнинг ижроси бўйича ҳисоботлар эшитиш ҳамда яқунлари юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш;

– Иттифоқ марказий аппарати билан келишган ҳолда тегишли маҳаллий ёки ҳудудий кенгашлар раисларини зарурат бўлганда конференциялар оралиғида сайлаш;

– Иттифоқ марказий аппарати билан келишган ҳолда тегишли Кенгаш аппарати бўлимлари мудирларини, Иттифоқ қарамоғидаги ташкилотлар (корхоналар, муассасалар) раҳбарларини лавозимига тасдиқлаш ва лавозимидан озод қилиш;

– Кенгашнинг йиллик иш режасини ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш, тегишли қарорларни қабул қилиш;

– Кенгаш бюджетини ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш, тегишли қарорларни қабул қилиш;

– Иттифоққа жамоа тарзида аъзоларни қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш;

– юқори турувчи органлар қарорига мувофиқ ваколати доирасига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

6.3.4. Иттифоқнинг алоҳида бўлинмалари ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари, уларни ташкил этиш ва тугатиш тартиби ҳамда раҳбар органлари бўйича қоидалар уларнинг Низомида батафсил равишда қайд қилинади.

6.3.5. Иттифоқнинг маҳаллий ёки ҳудудий Кенгаши йиғилишига тегишли Кенгаш раиси раҳбарлик қилади.

VII БОБ. ИТТИФОҚНИНГ МУЛКИ ВА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ, УЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

7.1. Иттифоқ ўз тасарруфида бинолар, иншоотлар, уй-жойлар, ускуналар, анжомлар, миллий ва хорижий валютадаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк ва муаллифлик ҳуқуқлари объектлари, ташкилотларга (корхона ва муассасаларга) ва ушбу Уставда кўзда тутилган фаолиятни моддий таъминлаш учун зарур бўлган ва ўз маблағлари ҳисобидан барпо этиладиган бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин.

7.2. Иттифоқ ва унинг алоҳида бўлинмалари мулкни шакллантириш манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

– жисмоний ва юридик, шу жумладан, хорижий шахсларнинг ихтиёрий мулкий бадаллари ва эҳсонлари;

– тадбиркорлик фаолиятидан олинган ва фақат Устав мақсадларини бажариш учун сарфланадиган даромадлар (фойда);

– грант, субсидия, ижтимоий буюртма кўринишидаги давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шу жумладан, хорижий ва халқаро ташкилотлар томонидан ёшларга оид дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун мақсадли келиб тушадиган маблағлар;

– Иттифоқнинг босма нашрларидан тушадиган маблағлар;

– қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

7.3. Иттифоқнинг ва у тузган тузилмаларнинг тадбиркорлик ҳамда бошқа фаолиятидан олинган даромадлари фақат Уставда белгиланган фаолиятга сарфланади ва Иттифоқ аъзолари, иштирокчилари ва ходимлари ўртасида тақсимланмайди.

7.4. Иттифоқнинг мулки бўлинмасдир. Иттифоқ номидан мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини Марказий Кенгаш ўзининг Ижроия кўмитаси орқали амалга оширади. Иттифоқнинг маҳаллий ва ҳудудий кенгашлари, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган бошланғич ташкилотлари, қармоғидаги ташкилотлар (корхона ва муассасалар) Иттифоқнинг мол-мулкни ўз тасарруфидан Марказий Кенгаш Ижроия кўмитасининг тегишли қарорисиз мустақил равишда чиқаришга ҳақли эмас.

7.5. Иттифоқнинг маҳаллий ва ҳудудий кенгашлари ўзларига Марказий Кенгаш томонидан бириктириб қўйилган мулкни оператив бошқариш ҳуқуқини амалга оширади.

VIII БОБ. ИТТИФОҚДА ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

8.1. Иттифоқнинг маҳаллий кенгашлари белгиланган шаклда ҳар ойлик молиявий ҳисобот ва тасдиқланган иш режанинг бажарилиши юзасидан ҳисоботни кейинги ойнинг 10-санасига қадар ҳудудий кенгашларга бериб борадилар.

8.2. Иттифоқнинг ҳудудий кенгашлари белгиланган тартибда Иттифоқнинг Марказий Кенгаши аппаратига ҳар чораклик молиявий ҳисобот ва тасдиқланган иш режанинг бажарилиши юзасидан ҳисоботни кейинги чорак биринчи ойнинг 15-санасига қадар бериб борадилар.

8.3. Иттифоқ ўз фаолияти натижаларини ҳисобга олиб боради ва уларни белгиланган тартибда рўйхатга олувчи, солиқ ва статистика органларига тақдим этади.

IX БОБ. ИТТИФОҚ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

9.1. Иттифоқ Уставига Курултой қарори асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

9.2. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгандан сўнг, Иттифоқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қайта давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Х БОБ. ИТТИФОҚНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

10.1. Иттифоқни қайта ташкил этиш Қурултой ёки суднинг қарорига мувофиқ қўшилиш, бирлашиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш ва ўзгариш йўли билан амалга оширилади.

10.2. Иттифоқни тугатиш Қурултой ёки суднинг қарорига биноан амалга оширилади.

10.3. Иттифоқни тугатиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

10.4. Иттифоқ тугатилган тақдирда кредиторлар билан ҳисоб-китоб яқунлангандан сўнг, ортиб қолган мол-мулк ушбу Устав мақсад ва вазифалари йўлида, хайрия мақсадида ёки қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мақсадларда сарфланади.



Журанбаев Жаҳрашон
Жўзқорович



Жами 17 варак саҳифаланди, ип билан
тикилди ва муҳрланди